

ҲОКИМИЯТ ВАКИЛИГА ЁКИ ФУҚАРОВИЙ БУРЧИНИ БАЖАРАЁТГАН ШАХСГА ҚАРШИЛИК КЎРСАТИШ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТ ИШЛАРИНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШДА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

Солизода Аббор Абдусалим ўғли
Ўзбекистон Республикаси ИИВ ШХББ
Тошкент шаҳар бўйича бошқармаси
УМИБ тезкор вакили подполковник

Аннотация. ҳокимият вакилига ёки фуқаровий бурчини бажараётган шахсга қаршилик кўрсатиш билан боғлиқ жиноят ишларини тергов қилиш хусусиятлари, ушбу жиноят учун жавобгарликнинг моҳияти, бу бўйича суд-тергов амалиётида учраётган айрим муаммоли ҳолатлар, ушбу муаммоларни ўрганиш бўйича хорижий мамлакатлар тажрибаси ҳамда уларнинг қонунчилигидаги айрим нормаларни миллий қонунчилигимизга имплементация қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит Сўзлар: ҳокимият вакили, фуқаровий бурч, фаол қаршилик, жиноят иши, хорижий тажриба, тергов, хизмат вазифа.

Мамлакатимизда сўнгги етти йилда турли соҳаларда олиб борилаётган кенг қамровли ислохотлар бизга олдимизда ҳал этилиши лозим бўлган кўплаб масалалар қаторида қонун устуворлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасини ҳам тубдан ислоҳ этиш лозимлигини очиқ берди.

Ҳуқуқий давлат ривожланишининг ҳар қандай босқичида ҳам фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш асосий вазифаси ҳисобланади. Бундай ҳимояни амалга оширишда давлат вакиллари алоҳида рол ўйнайди, чунки уларнинг фаолияти орқали давлат ўз вазифаларини амалга оширади.

Давлатимизда сўнгги йилларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимларига, ўз фуқаролик бурчини бажараётган шахсга нисбатан фаол қаршилик кўрсатиш, айрим ҳолатларда эса ходимларнинг ҳаётига зомин бўлиш ҳолатлари ҳам, афсуски, кўпаймоқда. Бу эса мазкур соҳа бўйича ҳуқуқни қўллаш амалиётини ислоҳ қилиш, ходимларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, айбдор шахсларга нисбатан жазонинг муқаррарлиги принципини таъминлаш заруратини кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси янги конституциясининг 26-моддасига кўра, инсоннинг шаъни ва қадр-қиммати дахлсиздир. Ҳеч нарса уларни камситиш учун асос бўлиши мумкин эмаслиги қайд этилган [1].

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг

219-моддасида ҳокимият вакилига ёки фуқаровий бурчини бажараётган шахсга қаршилик кўрсатганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган бўлиб, унга кўра, қаршилик кўрсатиш деганда, хизмат вазифасини бажараётган ҳокимият вакилининг

қонуний фаолиятига ёки фуқаровий бурчини бажараётган шахсга фаол қаршилик кўрсатиш, назарда тутилган [2].

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчилигига кўра, ҳокимият вакили сифатида эса, давлатнинг бирон-бир ҳокимият органи номидан иш кўриб, муайян вазифаларни доимий ёки вақтинча амалга оширувчи ва ўз ваколатлари доирасида кўпчилик ёхуд барча фуқаро ёки мансабдор шахслар учун мажбурий бўлган ҳаракатларни содир этиш ёки фармойишлар бериш ҳуқуқига эга бўлган шахс назарда тутилган [3].

Шунингдек, ушбу Қонунчиликнинг 198-моддасига кўра, ҳокимият вакилининг қонуний талабларини бажармаслик ёки хизмат вазифаларини бажаришига тўсқинлик қилганлик учун ҳам алоҳида норма сифатида жавобгарлик белгиланган [4].

Ўрганилган тергов амалиёти натижаларига кўра, ҳозирги кунда ҳокимият вакилига ёки фуқаровий бурчини бажараётган шахсга қаршилик кўрсатиш жиноятларининг аксарият қисми асосан Ички ишлар органлари ходимларига нисбатан содир этилмоқда. Жумладан, Ички ишлар ходимлари 2018 йилда 146 марта, 2019 йилда 163 марта, 2020 йилда 186 марта ва

2021 йилнинг 5 ойида эса 94 марта хизмат вазифасини бажариш чоғида қаршиликка учраган ва ҳаёт учун хавfli жароҳат олишган [5]. Бундан ташқари, 2022 йил давомида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг

219-моддаси билан қўзғатилган жиноят ишларининг сони 320 тани ташкил этган бўлган [6].

Шу билан бирга ИИО ходимларига нисбатан нафақат қаршилик кўрсатиш, балки айрим ҳолатларда уларга нисбатан қасддан оғир тан жароҳати етказиш, уриш-дўппослаш, шунингдек уларни беҳаё сўзлар билан ҳақорат қилиш каби ҳолатлар ҳам кўплаб учрамоқда.

Шу боис, мазкур ҳолат бўйича қонунчилигимизда ушбу турдаги жиноятларни содир этаётган шахсларга нисбатан оғирроқ таъсир чораларни белгилаш, улар томонидан содир этган қилмишларни иссиқ изидан фош этиш, айбдор шахсларга нисбатан жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш ҳамда келгусида бу каби мудҳиш жиноятлар содир этилишининг олдини олиш бўйича тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ. Бунда хорижий давлатлар қонунчилигини ўрганиш, улардаги бош амалий тажрибани ўзимизнинг қонунчилигимизга уйғунлаштириш мақсадида илмий тадқиқот ишларини ўтказиш лозим бўлади.

Жумладан, ҳокимият вакилига ёки фуқаровий бурчини бажараётган шахсга қаршилик кўрсатиш жиноятини тергов қилиш бўйича Қозоғистон давлати тергов амалиёти тажрибаси ўрганилганида, уларда Ички ишлар органлари ходимларининг ўз хизмат вазифаларини бажаришида ҳақорат қилиш, бўйсунмаслик ва зўравонлик қўллаш билан боғлиқ жиноятларни тергов қилиш республикаси Ички ишлар вазирлигининг алоҳида назорати остида эканлиги қайд этилди. Шунингдек, ушбу

давлатда Ички ишлар вазирли Қозоғистон Бош прокуратураси билан ҳамкорликда ушбу турдаги жиноят ишларини тергов қилиш алгоритми ишлаб чиқилган.

Шу билан бирга, ушбу давлатда ўз хизмат вазифаларини бажаришда полиция ходимларига нисбатан зўравонлик қилиш билан боғлиқ барча ҳолатларда гумон қилинувчилар Қозоғистон Республикаси ЖПКнинг

128-131-моддаларига асосан ушлаб турилиб, уларга нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилади [7].

Бундан ташқари, ушбу давлат Жиноят қонунчилигининг 378-моддасига кўра, ҳокимият вакилини ўз хизмат вазифаларини бажариш пайтида ёки уларни бажариши билан боғлиқ ҳолда ҳақорат қилганлик учун 45 кундан

75 кунгача қамоқ жазоси белгиланган. 379-моддаси (Ҳокимият вакилига бўйсунмаслик) қонун талабига ёки ҳокимият вакилининг буйруғига бўйсунмаганлиги учун 40 суткагача қамоқ тарзидаги жазо, агарда бу фавқулодда ҳолат эълон қилинган ҳудудда содир этилган бўлса, икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо қўлланилади. Шунингдек,

380-моддасига кўра, (Ҳокимият вакилига нисбатан зўравонлик қўллаш) ҳаёт ва соғлиқ учун хавfli бўлмаган зўравонлик ёки ҳокимият вакилига ёхуд унинг қариндошларига нисбатан зўравонлик қўллаш билан таҳдид қилинган бўлса, икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Давлат мансабдор шахсига ёки унинг қариндошларига ўз хизмат вазифаларини бажариши муносабати билан ҳаёти ёки соғлиғи учун хавfli зўрлик ишлатганлик учун 5 йилдан 10 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган [8].

Мазкур давлат қонунчилиги тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, миллий қонунчилигимизга ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимлари ўз хизмат вазифаларини бажариши муносабати билан уларга нисбатан фуқаролар томонидан ҳақоратомуз сўзлар билан ҳақорат қилиниши ҳолатларига чек қўйиш, ходимларнинг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш мақсадида маъмурий ҳамда жиноят қонунчилигимизга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш мақсадга мувофиқ.

Россия Федерациясида эса полиция мамлакатнинг фуқароларига энг яқин бўлган кўп функцияли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган бўлиб, бу борадаги жамоатчилик ишонч коэффициенти унинг фаолият кўрсатиш механизмининг жуда муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Шу боис милиция ходимларига нисбатан содир этилган ноқонуний хатти-ҳаракатлар жамиятда алоҳида эътироз уйғотмоқда. Ушбу тоифадаги жиноятлар, яъни давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига нисбатан содир этилган жиноятлар уларнинг ҳаракатларининг жазосиз қолишига ва умуман ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимининг ночорлигига ишонч ҳосил қилади, шу муносабат билан ушбу тоифадаги жиноятлар Жиноят кодексининг алоҳида бобига киритилган.

Россия Федерацияси Жиноят кодексининг 319-моддаси давлат мансабдор шахсини ўз хизмат вазифаларини бажариш пайтида ҳақорат қилиш деб белгиланган бўлиб, ушбу жиноятни содир этганлик учун

40.000 рублгача жарима ёки маҳкумнинг 3 ойгача бўлган иш ҳақи ёки бошқа даромадларини ушлаб қолиш ёки 120 соатдан 180 соатгача мажбурий меҳнат ёхуд 6 ойдан 1 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари жазоси назарда тутилган.

Шунингдек, ўз хизмат вазифаларини бажараётган милиция ходимларига қасддан жисмоний қаршилик кўрсатган тақдирда, бошқарув тартибига қарши жиноят сифатида квалификация қилиниши назарда тутилган. Россия Федерацияси Жиноят кодексининг 318-моддаси эса давлат мансабдор шахсига ёки унинг қариндошларига ўз хизмат вазифаларини бажариши муносабати билан зўравонлик қўллаш ёки зўравонлик билан таҳдид қилиш, деб номланган бўлиб, бундай жиноий хатти-ҳаракатлар учун энг кўп жазо қонунда давлат мансабдор шахсининг соғлиғига етказилган зарарнинг оғирлигига қараб 10 йилгача бўлган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзида назарда тутилган.

Россия Федерацияси Тергов бўлими томонидан кўрилган жиноят ишлари материалларидан маълум бўлишича, ички ишлар органлари ходимларига нисбатан содир этилган жиноятларнинг аксарияти маст ҳолда, жамоат жойларида содир этилган. Кўпинча жиноий ҳужумлар қурбонлари патрул, маҳаллий полиция ва йўл ҳаракати полицияси ходимлари эканлиги аниқланган. Шунингдек, айрим ҳолларда фуқаролар милиция ходимларининг хатти-ҳаракатларини нотўғри деб билишади.

Юқорида қайд этилган ҳолатлардан келиб чиққан ҳолда фуқароларга томонидан содир этилган ҳар бир хатти-ҳаракатлар учун жавобгарлик белгиланиши лозимлиги, ходимлар томонидан фуқароларга нисбатан хизмат ваколатидан четга чиқиш ёки жиноят содир этган шахсларни ушлаш ва бошқа процессуал ҳаракатларни амалга ошириш жараёнида уларга нисбатан содир этилиши мумкин бўлган ноўрин хатти-ҳаракатлар учун ходимларга нисбатан интизомий жавобгарлик келиб чиқиши билан изоҳланади. Яъни ходим томонидан фуқарога нисбатан содир этилган ҳар қандай кўринишдаги ножўя хатти-ҳаракат унга нисбатан интизомий жавобгарлик, айрим ҳолатларда эса жиноий жавобгарликлар юзага келмоқда.

Беларус Республикаси Жиноят кодексининг 33-моддаси “Маъмурий тартибга қарши жиноятлар” полиция ходими ва жамоат тартибини ҳимоя қилувчи бошқа шахсларнинг шахсига ва фаолиятига қарши қаратилган жиноятлар учун жиноий жавобгарликни белгилайди. Ушбу давлат Жиноят кодексининг 363-моддасининг турли қисмларида Ички ишлар органи ходимига ёки жамоат тартибини ҳимоя қилувчи бошқа шахсга қаршилик кўрсатганлик учун, зўрлик қўллаш ёки уни қўллаш билан таҳдид қилиш орқали қаршилик кўрсатганлик учун ҳамда хизмат вазифаларини бажараётган мансабдор шахсга ёки жамоат бурчини бажараётган бошқа шахсга нисбатан зўравонлик ёки таҳдид қилганлик учун жавобгарлик белгиланган [9].

Шунингдек, Беларус Республикасининг ушбу турдаги жиноятларни рўйхатга олиш ва дастлабки тергов қилиш бўйича мавжуд маълумотларнинг таҳлили (“Ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ягона давлат маълумотлари” маълумотлари асосида) Беларус Республикаси Жиноят кодексининг кўриб чиқилган моддалари ҳақиқий эканлигини кўрсатади.

Юқорида келтирилган ривожланган хорижий мамлакатларнинг Жиноят ҳамда Жиноят процессуал қонунчилигидаги ҳокимият вакилига ёки фуқаролик бурчини бажараётган шахсга нисбатан қаршилик кўрсатиш ҳолатлари бўйича тегишли қонун нормаларини ўрганган ҳолда миллий қонунчилигимизга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш имконини берди.

1. Маълумки, миллий қонунчилигимизга кўра, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимлари ўз хизмат вазифаларини бажариши муносабати билан уларга нисбатан фуқаролар томонидан ҳақоратомуз сўзлар билан ҳақорат қилинган ҳолатларда фуқароларга нисбатан бирон бир жавобгарлик белгиланмаган. Шу боис, бу бўйича Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 1942-моддаси билан “Ички ишлар органлари ходимлари ўз вазифасини бажариши чоғида уни ҳақорат қилиш”, деган ном билан, ҳудди шу ном билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 1401-моддасини киритиш таклиф этилади. Мазкур таклиф келгусида фуқаролар томонидан Ички ишлар органлари ходимларига нисбатан турли хил ҳақоратомуз сўзлар ишлатилишига, ходимларнинг обрўси, шаъни ва қадр-қимматининг топталишини олдини олишга хизмат қилади.

2. Ҳозирги кунда фуқаролар томонидан ҲМҚО ходимларига нисбатан турли хил тажовузлар, уларнинг ҳаётига ва оила аъзоларига нисбатан содир этилмоқда. Мамалакатимиз Жиноят қонунчилигида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимлари, шу жумладан ИИО ходимларига, уларнинг ҳаётига ҳамда оила аъзоларига нисбатан содир этилган тажовузларга нисбатан жавобгарлик белгиланмаган. Шу боис, Жиноят кодексининг

2191-моддасини “Ҳокимият вакилига ёки унинг яқин қариндошларига ўз хизмат вазифаларини бажариши муносабати билан уларнинг соғлиғига ёки ҳаётига тажовуз қилиш ёки хавф солиш билан таҳдид қилиш”, деб ўзгартириш киритиш таклиф этилади.

3. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимлари, шу жумладан Ички ишлар органлари ходимларининг ўз вазифаларини бажариши муносабати билан уларга нисбатан турли хил таҳдид ва зўравонликлар, фуқаролар томонидан содир этилаётган ножўя ҳаракатлардан ҳимоя қилиш мақсадида “Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимларининг функционал вазифаларини бажариши жараёнида уларни турли хил тажовузлардан ҳимоя қилиш тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини қабул қилиш таклиф этилади.

4. Ҳокимият вакилига ёки фуқаролик бурчини бажариш муносабати билан шахсга қаршилик кўрсатиш билан боғлиқ жиноят ишларини тергов қилиш

амалиётини такомиллаштириш мақсадида, яъни ушбу турдаги жиноятни содир этган шахсларнинг ходимлар ҳаётига, уларнинг оила аъзоларига нисбатан содир этган ҳар қандай турдаги жиноят ишлари бўйича уларга нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш амалиётини жорий этиш таклиф этилади. Бу эса ушбу жиноятни содир этган шахслар томонидан ходимларга, унинг мол-мулкига, ҳаётига ёки оила аъзоларига нисбатан турли хил таҳдид ва тажовузлар содир этилишини олдини олса, иккинчи томондан фуқаролар томонидан келгусида ушбу кўринишдаги жиноятлар содир этилишининг олдини олишга хизмат қилиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси конституцияси. Т., 2023 <https://lex.uz/docs/6445145> <https://lex.uz/acts/111453> (Электрон манзилга мурожаат қилинган сана: 2023 йил 23 сентябрь);
2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси Т., 2023 <https://lex.uz/acts/111453> (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 2023 йил 22 сентябрь);
3. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. Т., 2023. <https://lex.uz/docs/97664> (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 2023 йил 23 сентябрь);
4. Ўша манба;
5. <https://kun.uz/news/2021/12/05/ichki-ishlar-xodimlariga-qarshilik-korsatish-va-jarohat-yetkazish-holatlari-yildan-yilga-kopaymoqda-baxtiyor-berdialiyev>. (Электрон манзилга мурожаат қилинган сана: 2023 йил 23 сентябрь);
6. Ўзбекистон Республикаси ИИБ ИИБ Ҳуқуқий статистика ва тезкор-ҳисоб маълумотлар маркази томонидан тақдим этилган маълумонома;
7. https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=38101871. (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 2023 йил 23 сентябрь);
8. https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=38101871. (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 2023 йил 23 сентябрь);
9. Единый учет преступлений в Республике Беларусь: Сведения о регистрации и предварительном расследовании преступлений за 10 месяцев 2009 г. Официальный сайт МВД Республики Беларусь. УРЛ: www.mvd.gov.by. (Электрон манзилга мурожаат қилинган сана: 2023 йил 22 сентябрь).